

SHOALIYEVA Nargiza

O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi,
O'zbek tili va sharq mumtoz adabiyoti kafedrası
dosent v.b. filologiya fanlari nomzodi,
nshoaliyeva74@mail.ru

ХОФИЗ ҒАЗАЛЛАРИДА «РИНД» ОБРАЗИНИНГ ПОЭТИК ИФОДАСИ

ПОЭТИЧЕСКОЕ ВЫРАЖЕНИЕ ОБРАЗА «РИНД»А В ҒАЗАЛЯХ ХАФИЗА

POETICAL EXPRESSION OF THE IMAGE OF «RIND» IN THE GHAZALS OF HAFIZ

Аннотация: Шарқ шеърятини кўпинча ишқий, ирфоний, диний, ижтимоий, сиёсий мавзуларга бағишланган бўлиб, гоётада ғўзал ва қалбларда жой олувчи оҳангларда ёзилган. Яқин Шарқ ва Ўрта Шарқ лирикасининг отаси ҳисобланмиши форс шоири - Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий (1325-1390) Мавлононинг орифона, Саъдийнинг ошиқона ғазалларини ўзаро боғлаб, ғазалнинг байтларига озодлик беради ва унда янги бурилишни вужудга келтиради, иҳом ва ибҳом бадийи саъатлари Ҳофиз тушунчаси Ҳофиз девонида 80 мартадан кўпроқ ишлатилган. Ҳофиз ўзининг шеърида ва қарашларида бу сўзнинг аҳамиятини кўрсатиб беради.

Мазкур мақолада «Ринд» тушунчасининг шарқ шеърятдаги мазмун ва моҳияти ҳақида сўз боради.

Калид сўзлар: Шарқ, шеърят, Ҳофиз Шерозий, ғазал, «Ринд», «Ринд»она, ошиқ.

Аннотация: Восточная поэзия часто посвящена романтическим, мистическим, религиозным, социальным, политическим темам и написана в чрезвычайно красивых и трогательных тонах. Персидский поэт Шамсиддин Мухаммад Хафиз Широузи (1325-1390), которого считают отцом восточной и ближневосточной лирики, переплетает ирфаном Мавляви и романтических газелей Саади, дает свободу стихам газелей и создает в них новый поворот слова «Ринд»* или «Ринд»ство* используется более 80 раз в Диване Хафиза. Хафиз показывает важность этого слова в своей поэзии и воззрениях.

В данной статье говорится о значении и сущности понятия «Ринд» в восточной поэзии.

Ключевые слова: Восток, поэзия, Хафиз Шерази, газель, «Ринд», «Ринд»она, любовь.

Абстракт: Oriental poetry is often devoted to romantic, mystical, religious, social, political topics and is written in extremely beautiful and touching colors. The Persian poet Shamsiddin Muhammad Hafiz Shirozi (1325-1390), who is considered the father of Eastern and Middle Eastern lyrics, interweaves Mavlyavi's Irfan* and Saadi's romantic ghazals, gives freedom to the ghazals' verses and creates a new turn of the word rind* or rindy* in them. Hafiz shows the importance of this word in his poetry and views.

This article deals with the meaning and essence of the concept of rind in oriental poetry.

Key words: East, poetry, Hafiz Sherazi, ghazal, rind, rindona, love.

КИРИШ

Шеърят оламида форс-тожик шоирларининг ўрни бекиёс бўлиб, жаҳон миқёсида юксак бадийи-эстетик ва фалсафий-ахлоқий аҳамиятга эгалиги ҳич кимга сир эмас. Адабиётшунослар форс-тожик адабиётини энг гуллаган даврини X-XIII асрлар ҳисоблашадилар, бу бежиз эмас, албатта. Бу давр мобайнида Хуросон ва Мовароуннахрнинг турли жуғрофий ҳудудларидаги йирик шаҳарларда шаклланган адабий марказлар минглаб истеъдодли шоирларни тарбияланган. Булардан Абў Абдуллоҳ Рўдакий (858-941), Абулқосим Фирдавсий (934-1024), Умар Хайём (1048-1131), Носир Хисрав (1004-1088), Саъдий Шерозий (1200-1292), Мавлоно Жалолиддин Румий (1207-1273) ва Ҳофиз Шерозий (1325-1390)нинг ижоди алоҳида эътиборга лойиқ.

АСОСИЙ ҚИСМ

Шамсиддин Мухаммад Ҳофиз Шерозий ёшлигидан Куръони каримни ёд билганлиги ва 14 хил усулда кироат қила олиши учун “Ҳофиз” тахаллусини олган, кейинчалик “Лисон-улғайб”, яъни ғайбнинг тилини билгучи деган лақаб берилган. Ҳофиз адабий мероси асосан ғазаллардан ташкил топган. Улар латиф, оҳангли ва мазмунан теран бўлиб, фалсафий-ирфоний, ишқий-илоҳий ва ижтимоий-диний мавзуларни қамраб олган. Алишер Навоий “Насоимул муҳаббат” асарида бу хусусда тўхталиб:

“Хожалар силсиласидан азизе дебетурки, ҳеч девон Ҳофиз девонидан яхшироқ эмас, агар киши суфий бўлса. Бу фақирга андоқ маълум бўлбтур ва маишхур мундоқдурки, ҳазрати Мир Қосим аларнинг девонини Қуръони Форсий дер эрмишларки, калом оёти маъносидан мамлуъ ва асрор ва нукотидин маишхундир”[1:184] дейди. Абдурахмон Жомий ўзининг “Баҳористон” асарининг тазкира характеридаги 7-равзасида Ҳофиз Шерозий ҳақида “Шоирлар раҳнамоси Ҳофиз Шерозий, унинг аксар шеърлари латиф ва табиий, баъзилари мўъжиза чегарасида, равонликда ва ёрқинликда Заҳирий қасидалари бошқалар қасидасидан ўтганидек, Ҳофиз ғазаллари ҳам бошқалар ғазалларидан ўтиб кетади.”[2:149] деб ёзади.

Ҳеч бир шоир Ҳофиз каби сўзлар ўртасидаги таносуб ва тазодга илова келтирадиган, ҳар бир калимаси бир неча маънони англатадиган мисраларни келтира олмайди. Буюк Шероз шайхидан бешта қасида ва ғазалларни ўз ичига олган куллийт девони, “Ёввойи кийик” номи билан танилган қисқа маснавий, “Соқийнома”, қитъа ва рубоийлар мерос қолгандир. Ҳофиз шеърларидаги сўзлар кўп ўлчовли бўлиб, у шеърларидаги ҳар бир сўзни ўз ўрнида ишлатган. Унинг шеърлари нафақат ошиқона, балки орифона, ошиқона қабоғида ижтимоий ва сиёсий мавзуларни ҳам ифода этади ва шу жиҳатдан унинг ғазаллари ошиқона ва орифона мавзуларнинг аралашмасидир. Шу сабабдан Хожа Шерозийнинг барҳаёт ғазалларининг ҳақиқий рамзини англамоқ учун “жоми Жам”, “май”, “маъшук”, “харобот”, “майкада”, “Ринд”, “шоҳид” каби айрим ирфоний терминлар, шунингдек мазкур турдаги баъзи ийҳомларни билиб олиш лозим бўлади.

«Ринд» сўзини Муин форс тили изоҳли луғатида шундай изоҳлайди:

1. (ر ن) [معر.] (ص .) 1 - زرنگ ، زیرک . 2 - بی قید، لایالی . 3 - در تصوف ، کسی که باطنش سالم تر از ظاهرش باشد.

Ҳушёр, зирак, тасаввуфда суратидан сирати мукаммал бўлган зот

2. در اصطلاح متصوفان و عرفا بمعنی کسی است که جمیع کثرات و تعینات وجوبی ظاهری و امکانی و صفات و اعیان را از خود دور کرده و سرافراز عالم و آدم است که مرتبت هیچ مخلوقی بمرتبت رفیع او نمی رسد. (از فرهنگ مصطلحات عرفا تألیف سیدجعفر سجادی از شرح گلشن راز چ کیوان سمیعی ص 026) :

Ирфон ва тасаввуф аҳли учун “«Ринд»” калимаси шунақа маъно касб этадики, у киши бутун зоҳирий камчиликларни, айбларни, имконият ва сифатларни ўзидан узоқлаштириб, олам ва одамдан хуррамдир ва ҳеч бир махлуқнинг мартабаси у даражага етолмайди.[11:160]

«Ринд» хушёр маъносида бўлиб, эс-хушли, хушёр, ўзининг ўткир қарашлари ва ўзига хос заковати билан оддий халқдан фарқли равишда риёкор ва ўзини кўз-кўз қилувчи инсонларни таниб олувчи шахслардир. (Аллома Деххудонинг хотираларидан).

«Ринд»нинг фикрлари шаръий ишларга мувофиқ жоҳилликдан эмас балки зукколикдан бўлмоқлигини иддао қилувчи фикрдир. (“Ғиёс ул-ғот”)

«Ринд» инкор этиш, аҳамиятсизлик ва бепарво бўлиш маъносида. Уларни ўз зоҳирий кўринишларини маломат қилиб, ботиний қарашларини саломат сақлай олишлари учун «Ринд» деб билишган. (“Бурҳон Қотей”)

-Зикна бироқ зукко бўлган одамларни англатади. (“Бурҳон Қотей”).

Ҳофиз шеърларидаги “Ринд” сўзи “озода” (асилзода) ва “озод инсон” демакдир. Ирфоний истилоҳда эса, ибодатдаги амалларнинг хилма хиллигидан воз кечмоқдир.

«Ринд» ақл билан иш кўриш орқали бузғунчиликнинг онаси бўлмиш хирсни зиндонга ташлайди. Бу эса ўз навбатида унинг озод ва озодалиги, шунингдек, кечиримли эканлигидан далолатдир. Ушбу «Ринд» ишқ ва «Ринд»лик маҳсули ила мажозий гумроҳлик, ғафлат, одат ва табиат чуқурликларидан ҳақиқат ва тўғрилиқ йўлига, шунингдек тор ва худбинлик йўлидан ўз нафсини камтар тутиш ва огоҳлик йўлига ўтиш учун бироз хато ва камчиликларга йўл қўяди.

در خرقه چو آتش زدی ای عارف سالک
جهدی کن و سر حلقه رندان جهان باش¹.

Эй солиқ ориф ҳирқада оташ каби ёндинг
Қурашгин, олам «Ринд»лари ҳалқасин
сараси бул

عیب رندان مکن ای زاهد پاکیزه سرشت
که گناه دگران بر تو نخواهند نوشت²

Эй зоти пок зоҳид, қилма «Ринд»лар
айбин

Сенга асло ёзмаслар ўзганинг гуноҳин

¹ <https://ganjoor.net/hafez/ghazal/sh272>

² <https://ganjoor.net/hafez/ghazal/sh80>

بر در ميکده رندان قلندر باشند
که ستانند و دهند افسر شاهنشاهی³

*Қаландар «Ринд»лар майхонада бўлсалар
Шоҳанишоҳлик тожсини олиб берадилар.*

Ҳофиз асарларидаги энг муҳим ва энг мукаммал образ бу «Ринд»дир. Ҳофиз ўта моҳир, синчков ва зийрак бўлиб, имо ишора ва белгилар ила ўз сўзларининг шахсиятини яратади. “Пире мўғон”га ўхшаган истилоҳларига усталлик билан ишлов бериб, уни йўқлик ва қийматсизликдан борлиққа чиқаради. Ана шундай истилоҳлардан бири бу «Ринд» сўзидир.

گر بُود عمر، به ميخانه رَسَم بار ديگر
جز از خدمت رندان نکم کار ديگر⁴

*Агар умр берса, яна майхонага борардим
«Ринд»лар хизматида ўзга иш қилмасдим.*

Халқ адабиётида ҳеч қандай қийматга эга бўлмаган «Ринд»лик лоқайдлик ва қуйиликнинг бир қисмидир. Минглаб куёвларнинг келини бўлмиш ушбу дунё ҳар лаҳзада ким биландир никоҳ риштасини боғлайди ва турли йўллар билан инсонларни ўзларининг махсус хислат ва хусусиятлари ила алдайди, уларни ўз асирига айлантириб охирида уларни хорлаб таҳқирлайди. Ана шу ерда Ҳофиз «Ринд»ни инсонлар қўл оёғи остидан чиқариб, зийраклик билан уни шундай даражаларга кўтардики, у нафақат дунёга мағлуб бўлмайди балки алдоқчи ва маккор дунёни алдайди ва ўз домига тартади. Ҳофизнинг буюклиги шундаки, у оддий даражадаги сифатни энг яхши сифатга айлантиради ва бу осон иш эмасдир. У нафақат ёмон сифатни яхшига айлантиради, балки у “«Ринд»” нинг қўлидан тутиб, қадамма қадам юқорига кўтаради ва бу ҳаётда доимо бахтли бўлиши учун унга ҳаёт йўлини ўргатади. У «Ринд»нинг қалбига ишқ ғамидан бошқа ғамга йўл бермаслиги, диндор бўлиши ва бепарволик чегарасини сақлашини хоҳлайди. Уни Валиюллоҳ (Аллоҳнинг дўсти)ларининг бир қисми сифатида маънавият орифлари авжига етказди. Ҳофизни тарихий афсоначи, «Ринд»ни эса унинг афсонаси деб билишимиз ажабланарли эмас.

Ҳофиз шундай озод «Ринд»ки, у фикрлайдиган ва бажарадиган иши учун ҳеч

кимга ҳисоб бермайди, шунингдек, одамларнинг қабул ёки рад этиши унинг учун аҳамиятсиздир. Унинг ўзи шеърларида «Ринд» ва «Ринд»ликка ойдинлик киритади. “Ринд” сўзи Ҳофиз девонининг калитларидан биридир. Ҳофиз ўзини «Ринд» санайди ва унинг фикрига кўра:

1. «Ринд»лик ҳидоятга чорловчидир.
2. «Ринд»лар саломатликка зарар берувчилар эмаслар.
3. «Ринд»лар наздида узумнинг шароби қимматбаҳо ёқут кабидир.
4. «Ринд»лар балодан кутқарувчилардир.
5. «Ринд»ликни қўлга киритиш осон иш эмас.
6. «Ринд»лар оламсўз йўловчилардирлар.
7. «Ринд»лар бир хилдирлар.
8. «Ринд»лар ўз фикрларини ўтказувчи ва худбин эмаслар.
9. «Ринд»лар роҳат фароғатга эга эмаслар.
10. Улар бир тарафдан хилқат асрорларидан хабардор бўлишсада, бошқа тарафтан беҳабардирлар.
11. «Ринд»ларнинг тариқатида оташпарастлик ва дунёпарастлик битта нарсадир.
12. «Ринд»ликнинг солиҳлик ва тақвога алоқаси йўқ.
13. «Ринд»лар табиат сирларидан огоҳдирлар.
14. «Ринд»лар гуноҳқордирлар.
15. «Ринд»лик йўли ҳаммага ҳам билинмайди.
16. «Ринд»лар бадном бўлган шахслардир.
17. «Ринд»лар хушёрдирлар.
18. «Ринд»лар мажлисида хабарлар бордир.
19. «Ринд»лар зирак инсонлардир.
20. «Ринд»ларда шубҳа бор.

Ҳофиз баёнида “Ринд” тушунчаси кенг маънога эга. Бу сўз дунёдаги бошқа маданиятлар, эски ва янги тилларда мавжуд эмас. «Ринд» калимаси Ҳофиз яшаб ўтган даврдан бироз олдин ва унинг даврида манфий маънога эга бўлган эди. «Ринд» аслида “ахмоқ” ва “безори” деган маъноларни билдирар эди.

Ҳофиз Саной ва Атторма эргашган ҳолда жамият қабул қилган ёки рад этган ҳар қандай қараш ва ишларни қайта кўриб чиққанлиги ва такроран текшириб кўрганлиги учун унга нисбатан танқидий фикр билдирган эди. У «Ринд»ни ҳокимиятдагилар қўл оёқлари остидан чиқариб, ўз-ўзи билан аҳд паймон тузди.

³ <https://ganjoor.net/hafez/ghazal/sh488>

⁴ <https://ganjoor.net/hafez/ghazal/sh252>

Ҳофиз “Комил инсон” ва “ҳақиқий инсон” ирфоний назариясини ўзидан олдинги ирфоний қарашлардан олди ва уни барча нарсага эга «Ринд» деб атади. Шунингдек, у ташналаб «Ринд»ларни валий деб номлади.

رندان تشنه لب را آبی نمی دهد کس
گویای ولی شناسان رفتند از این ولایت⁵

*Ташиналаб «Ринд»ларга сув бермас ҳеч ким,
Гўёки валийшунослар бу вилоятдан
кетганлар.*

Унинг ривоятига кўра «Ринд» идеал инсон, валиюллоҳ (Аллоҳнинг дўсти)дир. Ҳофиз девонининг матнларидан шу нарса келиб чиқадики, «Ринд» зоҳиран қарама – қарши, ботинан мўътадилдир. У ожиз эмасдир. Унинг энг буюк мақсади бу ҳаёт йўлидан енгил юк билан ўтишдир. У нажот ҳақида ҳам ўйлайди. Эркин фикрловчи ва ғайридин «Ринд»лар ҳам бор, бироқ, Ҳофизнинг «Ринд»и динга алоқадор бўлиб, охиратга ишонади, лекин у бу ҳақда ўйламайди, чунки у ишқ ва иноятни ўз кутқарувчиси деб билади. У такво, билим, фазл ва фаҳмга суянмайди, у ишқ ва шухудга суянади.

رند عالم سوز را با مصلحت بینی چه کار
کار مُلک است آن که تدبیر و تأمل بایش
تکیه بر تقوی و دانش در طریقت کافر یست
راهر و گر صد هنر دارد، توکل بایش⁶

*Оламқуйдирувчи ринга маслиҳатлар не
ҳожат*

*Давлат ишларида тадбир, тафаккур
керакдир*

*Тариқатда тақво ва билимга суянмоқ
куфрдир,*

*Ўйловчининг юз ҳунари бўлса ҳам таваккал
лозимдур.*

Ҳофизнинг «Ринд»лик сулуки учун билим давралари ва кетма-кетлиги яроқсиз, аммо давралар ошиқларга етиб борса, ким соф бирликка эришса, ихтилофлар йўқ қилинади, куфр ва иймон қаршилиги ҳам йўқ қилинади ва буни тасаввур қилиб бўлмайди. Соф бирликни ифодаламагунингизча, у иккиликка айланади. Бирликда фақат сукунат бор ва сиз гаплашолмайсиз.

⁵ <https://ganjoor.net/hafez/ghazal/sh94>

⁶ <https://ganjoor.net/hafez/ghazal/sh276>

(إِنْ يَنْصُرْكُمُ اللَّهُ فَلَا غَالِبَ لَكُمْ وَإِنْ يَخْذَلْكُمْ فَمَنْ ذَا الَّذِي
يَنْصُرْكُمْ مِنْ بَعْدِهِ وَ عَلَى اللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُؤْمِنُونَ)

Оли Имрон сурасининг 160 ояти:

Маъноси: (Агар сизга Аллоҳ нусрат берса, сиздан ғолиб келувчи йўқ. Агар сизни ташлаб қўйса, Ундан ўзга ким ҳам ёрдам берар эди. Мўминлар фақат Аллоҳгагина таваккал қилсинлар.)

Бизда ҳеч нарса йўқ. Ҳатто такво ва илмимиз ҳам Аллоҳ таолонинг иродасига боғлиқ бўлиб, иноят ва комиллик аломати бўлган бу иккисига ҳеч ким таянмаслиги ҳам керак, бор нарса бирликнинг асли, ишонч эса чексиз денгизга бир томчи бўлиб қўшилиш демакдир. Румий айтганидек, томчи денгиз билан бўлса денгиздир, акс ҳолда томчи томчи ва денгиз денгиздир. Мавлоно Румий айтади:

عاشق تو یقین دان که مسلمان نبود
در مذهب عشق کفر و ایمان نبود
در عشق تن و عقل و دل و جان نبود
هرکس که چنین نگشت او آن نبود⁷

*Сен аниқ билгинки ошиқ мусулмон бўлмас,
Ишқ мазҳабида куфру имон бўлмас.*

Ишқда тан, ақл, дил ва жон бўлмас,

Ва ҳар кимки бу даражада эрмас у У эмас

Ҳофиз кўпроқ инсон моҳияти ва мақоми ҳақида гапиради, шоир қараши умумжаҳоний ва умуминсоний даражасида эканлиги ва унинг ирфоний мактаби, яъни «Ринд»лиги айнан шундаки, олам ва одамни айри кўрмайди, оқтанлини қоратанлидан ажратмайди, ҳамма одамни бир одам деб билади, барча одамлар Худони бандаси эканлигини, ҳамма дин ҳам бир динлигини, фақат йўллар ҳар хиллигини уқтиради, бу кўк гунбаз тагида ҳамма бир мақомга эга эканлигини, шунга кўра ҳар қандай таъаллуқлардан, қарамлардан озод бўлишликка даъват қилади. У бу билан дину миллатингдан кечгин демоқчи эмас, аксинча, мутаъассиб бўлма, ғурурланма, тақуббурлик қилиб бировни кўнглини оғритма, ўзингни ҳам маҳдуд қилиб, бир жойда қотиб қолиб, завол бўлма, хур фикрли озод, озода ва холис одам, яъни, «Ринд» бўл, демоқчи:

⁷ <https://ganjoor.net/moulavi/shams/robaeesh/sh757>

بیا که قصر اَمَل سخت سست بنیادست
بیار باده که بنیاد عمر بر بادست
غلام همت آنم که زیر چرخ کیود
ز هر چه رنگ تعلق پذیرد آزادست⁸

*Кел орзулар қасрини бунёд этиш қийиндир
Шароб келтир умр бунёд этиш бар боддир
Қўк гунбаз остида унинг иродаси гуломиман
Ҳар қандай таъаллуқ, қарамдан озоддир.*

Бу ғазал ҳам Ҳофизнинг кўпгина ғазаллари каби ўзининг маъно кенг қўлами ва таъсирчанлик доираси билан фарқ қилиб туради.

Саъдий Шеъротийда ҳам шу мазмунда, яъни, одамларни бир одамлиги ҳақида БМТ пештоқида ёзилган жуда машҳур байтлари бор:

بنی آدم اعضای یکدیگرند
که در آفرینش ز یک گوهرند
چو عضوی به درد آورد روزگار
دگر عضوها را نماند قرار⁹

*Бани одам аъзолари бирдир
Яратилиши бир гавҳардандир
Агар бир аъзоси оғриса
Бошқа органларни тинч қўймас*

Бутун одам ва олам Худога тегишлилигини такидламоқда Саъдий:

به جهان خرم از آنم که جهان خرم از اوست
عاشقم بر همه عالم که همه عالم از اوست¹⁰

Жаҳондан шодмонман, чунки жаҳон ундан шоддир

Бутун оламга ошиқман чунки ҳамма олам ундандир

Модомики васл ва бирлик бор экан, айрилишларни, ажратишларни нима ҳожати бор!?

«Риндлик» сулуки аслиятга қаратилган, шакл ва шамойилга эмас, бу сулук солиқлари инсон ва олам моҳиятидан воқиф кишилардир. Ҳофизнинг диний ва айни пайтда бепарво «Ринд»и зухд ва куфр ўртасидаги тебранишдир. Унинг одатдаги қароргоҳи “дайри муғон” бўлиб, масжид, ибодатхона, хонақоҳ ва майхона кабидир. Гоҳида у шубҳалар ёнбағридан силжиб, гоҳида шаҳодат кучоғига осилиб қолади. Айнан шубҳалар уни ҳақиқат деворигача олиб боради. У мўътадилликка ишонади ва унинг эътиқоди

⁸ <https://ganjoor.net/hafez/ghazal/sh37>

⁹ <https://ganjoor.net/saadi/golestan/gbab1/sh10>

¹⁰ <https://ganjoor.net/saadi/mavaez/ghazal2/sh13>

ҳам ўртачадир бироқ нима бўлишидан қатъий назар оддий иймон эмасдир. Ўз муршидининг амрига биноан “пири муғон” жойнамозни шароб билан булғайди ва хирқага ўт қўяди, шариат ва тариқат зоҳирига етишишга, ҳақиқат ботинини англашга ҳаракат қилади. У мутаассиб ёки гуноҳкор эмас. Аксинча у кўп ҳолларда шубҳаларни кўп жойларда қарашларнинг кенглиги, ички дунёнинг турғунлигига қарши восита деб биладиган танқидчи шахсдир. Шубҳасиз, аслият эгалари ўз вақтларини чоғ ва осон ўтказиш ҳақида ўйлашади. Чунки улар: “Ёмон гумон қилувчилар учун ҳаёт мураккаб ўтишини” билишади. «Ринд» бардамликни хоҳлайди, бироқ у “ишкнинг асири бўлиш, мен учун нажотдир” деб ўйлайди.

«Ринд» ахлоқ муаллими эмас, бироқ ахлоқсиз ва ахлоқни инкор қилгувчи ҳам эмас. Унинг ахлоқи зухд, қўркув ва таассубдан иборат эмас, балки орифона, тавозе ҳамда озод ва озодалик билан тўладир. Ҳа у лоқайддир лекин лоқайдликда ҳам чегарани сақлай олади. “3 ой шароб ичса, 9 ой тақво қилади”, “Аллоҳнинг фарзларини бажарайлик ва бировга ёмонлик қилмайлик”.

Ҳофиз «Ринд»га муқобил равишда берадиган образи бу зоҳиддир. Ҳофизнинг нигоҳида зоҳид ўзини дунёнинг нопокликларидан зоҳиран номуносиб равишда поклаб, ана шу поклиги сабаб ғурурга суяниб, мағрурликка дучор бўлади. Ҳофизнинг наздида эса энг катта гуноҳ бу мағрурлик, такаббурлик ва дилозорликдир. Зоҳид дунёнинг барча лаззатларидан воз кечиб, ўзининг қуруқ эътиқоди билан тамағирлик қилади ва таассубга кетиб, Аллоҳнинг раҳматидан унинг барча гуноҳларни кечиргувчи зот эканлигидан ноумид қилади. Бу нарса Ҳофизнинг қарашида куфр демакдир. Аллоҳ таоло Куръони Каримда шундай марҳамат қилади:

قُلْ يَا عِبَادِيَ الَّذِينَ أَسْرَفُوا عَلَىٰ أَنْفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوا مِنْ رَحْمَةِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يَغْفِرُ الذُّنُوبَ جَمِيعًا إِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ

(<https://namaz.today/al-quran/surah-39/ayah-53>)

“Эй (Муҳаммад)менинг турли гуноҳ маъсиятлар қилиш билан ўз жонларига жиноят қилган бандаларимга айтинг: Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират қилур. Албатта унинг ўзигина мағфиратли ва меҳрибондир”(Зумар сураси, 53 оят).

Зоҳид унинг услубида бўлгани каби тилини маломатга обради, ўз тоат ибодатини кўз – кўз қилади. Бироқ бу маломат бутун борлигини ишқга сотган «Ринд» наздида оддий бир шамол кабидир. Одам зоти билан кечадиган ҳар бир нарса тақдирнинг ҳукмими? Албатта эътиқодсиз инсон ҳақнинг ҳикмати ва иноятини инкор этган ҳолда хато қилади, ўзига тасалли берадиган ва тинчлантирадиган умиддан маҳрум бўлади. Бироқ ҳақнинг каромати ўзининг шон шарафи ва буюклиги билан умидсиз гуноҳкорга раҳм шафқат ила нажот беради. Бу эса унинг буюклигидир. Агар Фирдавс қасрини мукофот деб билсалар, унда Аллоҳнинг карами ва буюклигичи?

Шу жиҳатдан Ҳофиз бекорчи сўзлар билан одамларни Аллоҳдан узоқлаштирадиган шайх, факих, зоҳид ва ваъзгўйлардан безорлигини изҳор этади. Уларни риёкор, иккиюзламачи ва калтафаҳм деб билади. Шунингдек, 72 миллат жангини ҳам афсона деб билади. Шу тариқа у инсон тақдир олдида таслим ва рози бўлишдан ўзга чораси йўқ экан, илоҳий қисмат унга ҳозир бўлдимидемак тақдирдан нолишга ҳожат йўқ деб ўйлайди. У ақлнинг шартини инсон ўз ўлчовига қўйилган нарсани олиб, унга лутф кўзи билан қарамоғида деб билади. Табиий ақл кишининг тезда ўзгариб турувчи ҳолати ҳақида фикр юритмаслиги ва ҳали парда ортида бўлган нарсалар ҳақида ўйламаслиги кераклигини кўрсатади. Модомики, бу нарсалардан хабари йўқ экан, жар солмасдан хавотирга йўл бермасин ва ариқнинг бўйнида ўтириб умрнинг ўтишини ҳам худди шу оқар сув каби оқиб ниҳоясиз фано денгизига қуйилишини тафаккур қилсин.

Ҳофиз девонидаги иккинчи манфий образ бу “Муҳтасиб” бўлиб, Ҳофизнинг масхараомуз ва танкидий кўз билан қарайдиган образидир. Амир Муборизиддиннинг қаттиққўл таассуб ва хурофотга тўла ҳукмронлиги Ҳофиз ҳаётини янада аччиқ ва янада мураккаблаштирар эди. Руҳан қийналган шоир ўзининг ширадор ғазалларида риёкор ва саводсиз инсонларга қарши фикрлар билдирган бўлиб, бу атамаларни айнан мана шу амир Музаффарийга бағишлаган ва уни Муҳтасиб деб атаган.

Ҳофизнинг санъати ғайб оламидандир, яъни қудсий кўринишга эга. Унинг улуғборлиги ирфондандир. У шарият, тариқат ва маърифат йўлларидаги доно ва танкидий фикрларига эга

бўлган солиқдир. Ҳофиз тариқатдаги кераксиз нарсалар тарафдори эмас. У орифларга кўпроқ жалб қилингандир.

«Ринд»ни яратишда Ҳофизнинг бир нечта мотивлари ва нақшлари бор. Бир томондан у орифлар тимсолидаги “комил инсон” деб билса, бошқа томондан «Ринд»ни қадимий маъносига кўра лоқайд ва айни дамда мағрур, шикоят ва ёлғонга қарши бош кўтарадиган инсон деб билади. Яна бир мақсади шахсият яратишни ишташ бўлиб, зуҳд баробарида зуҳднинг муқобил ё акс нуқтасидир. «Ринд»нинг охириги таҳлилида ўз сиймосини (Ҳофиз) баён этади.

Ҳофиз ана шу жиҳатдан марҳаматли ва таваккалчи, нафислик ва ҳаёт гўзалликлари аҳли, муҳтож, Аллоҳнинг ҳузуридаги камтар ва энг муҳими ишқ аҳлидан бўлишни хоҳлайди. У «Ринд»ни ҳам ана шу сифатлар ила барпо этади. Унинг «Ринд»и ўзи каби очиқ ва кенг фикрли ва хушчақчақ инсон бўлиб, зуҳд, риё, ёлғонга қарши юзаки раддиялар, маслаҳат ила қилинган тақво ва яхшилик ва эътиборсиз дунё мақомидан нафратланади.

Бир сўз билан айтганда Ҳофиз «Ринд» ва «Ринд»лик замирида шундай бир шахсиятни яратадики, такаллуф ва риёга қарши бўлиб, умидвор, поклик ва ишқга интилувчан, жасурликка рағбат қилувчи бўлсин. У «Ринд»ликни ишқ билан баробар деб кўради:

زاهد از راه به رندی نبرد معذور است
عشق کاریست که موقوف هدایت باشد¹¹

*Зоҳид «Ринд»ликга обормаса узрлидир,
Ишқ ҳидоятга етакловчи бир ишидир.*

Яна бир зоҳиднинг ўз «Ринд»идан қочишини жинларнинг Қуръон ўқувчи шахсдан қочишига ўхшатади. «Ринд» айни пайтда ҳазиломуз образ сифатида ҳам талқин қилинади, бироқ у шундай чуқур ва ажойиб хусусиятларга эгаки инсонлар кўзига ҳазиломуз эканлиги билинмайди.

Ҳофизгача бўлган даврда ва ҳаттоки унинг замонида ҳам «Ринд» сўзи мусбий маънога эга бўлмаган. Ҳофиз тилида «Ринд» кенг маънода ишлатилади. Ҳофиз Маломатия тариқатига тегишли қарашларга эга бўлганлиги сабабли ҳар қандай ижтимоий қабул қилинган ва рад этилган фикр ва қарашларни танкидий назар билан қайта текшириб кўрарди. У «Ринд»ни мавқе, мол дунё эгаларининг қўл оёқлари остида чикариб, ўзига сирдош этиб тайинлади.

¹¹ <https://ganjooor.net/hafez/ghazal/sh158>

ХУЛОСА

Ўтмиш ва бугунги кун билан «Ринд»нинг мавқеини таърифлаш унинг Ҳофиз девонидаги мавқеини ҳисобга олсак, ҳақиқатдан ҳам мураккабдир. Ҳофизнинг ривоятига кўра «Ринд» Комил инсон, Валиюллоҳ бир зотдир. Агар Ҳофизнинг ғазалларидаги «Ринд» образи яхши ўрганилмаса, Ҳофизнинг энг муҳим хабари ва бадий-интеллектуал хусусиятлари тушунарсиз бўлиб қолади.

Айтганимиздек, «Ринд» ва «Ринд»лик Ҳофиз девонида 80 марта ишлатилган. Ҳофиз ғазалларида «Ринд» ва «Риндлик»ка ишора қилинган байтлар ҳам кам эмас.

Шарқ мутафаккирлари ва адибларининг инсонпарварлик, ватанпарварлик, халқпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳаётдўстлик, хурфикрлилик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик ғояларига асосланган фалсафий-ирфоний қарашлари, айниқса, ҳозирги ривожланган давр муаммоларни ижобий ҳал этишда муҳим рол ўйнайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Афсаҳзад А. Чомӣ ва Ҳофиз. Суннатҳои устувор ва навардаҳои эҷодкор. – Душанбе: “Дониш” нашриёти, 1989. – С. 149-164.
2. Амир Низомиддин Алишер Навоӣ «Ғани». Дивани, ба ихтимони Рукнуддин Хумоюнфаррух. – Техрон: 1342.
3. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навоӣ и Джами. Том IV. – Москва, 1965.
4. Брагинский И.С. О своеобразии творчества Фони-Навоӣ // Исследования по таджикской культуре. – Москва: 1977. – С. 183-188.
5. Джоми. Осор. Джилди ҳафтум / Ҳозиркунандаи чоп А.Афзаҳзод, – Душанбе, 1989.
6. Навоӣ А. Асарлар – Т. 15. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. – Тошкент: 1968. – Б. 184.
7. Навоӣ Алишер. Асарлар. Т. 14. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. – Тошкент: 1965. – С. 142.
8. Навоӣ А. Асарлар. – Т. 5. Китоб 1. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1965. – С. 32.
9. Маликушшуаро Б. Сабқиноси. 3 жилд. – Техрон: 1386.
10. Мирзоев А. Абдурахман Джами ва Алишер Навоӣ. – Душанбе: 1968.
11. Мирзоев А. Фони ва Ҳафиз. – Душанбе, 1966.
12. Sayed Jafar Sajjadi. (1996) A culture of mystical idioms and expressions. Tahuri. – Tehran. – 620 p.
13. سجّادى سيّد جعفر. (۱۹۹۱) فرهنگ اصطلاحات و تعبيرات عرفانى. تهران، نشر طهورى، ص ۸۱۴
14. Хадизаде Р. Татаббуати назм ва сабки шеъри Фони-Навоӣ // Аз гузашта ва ҳозираи адабиёти тоҷик. – Душанбе, 1974 – С. 45-59.
15. Хамидов М. Алишер Навоӣ ғазалларига татаббуълар // Адаби мерас. – Ташкент, 1980.
16. Хамидов Х. К изучению персидских стихов Алишера Навоӣ // Звезда Востока, 1948. № 5. – С. 102-108.
17. Ҳафизӣ Ширазӣ. Диван, нусхаи Ғаний-Қазвинӣ, – Техрон, 1380.
18. Хошим Рази. Мукаддима // Дивани камили Джами. – Техрон, 1345.
19. Шамухамедов А.Ш. Традиция татаббу в творчестве Алишера Навоӣ (на примерах татаббуат Фани на газели Джами). Автореф. дисс. ... канд. фил. наук, – Ташкент, 1981.
20. Шомухамедов Ш. Ҳофиз Шерозӣ. – Т.: Фан, 1965. – Б. 51.
21. Shoaliev N. The Essence of Human in Bedil's Creation // Journal of Philological Sciences, 2021. (2767-3758) 2 (09), – P. 110-116.
22. Shoaliyeva N. Spiritual and Moral Beauty in Bedil's Heritage // The Light of Islam, 2021 (4), – P. 40-47.
23. Shoaliyeva N., Abdulloh S. An Artistic Expression of the Connection between “Man and the Universe” In The Works By Suhrah Sipehri // The Light of Islam, 2020 (4), 126-137.
24. Шоалиева Н. Жизненный путь и творческое наследие двуязычного поэта (XVII и начала XVIII веков) // Colloquium-journal, 2020. – P. 32-38.